

O'zbekiston  
iqtisodiy  
axborotnomasi

АНАЛИТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

1919

ISSN 2010-6475

Экономический  
вестник  
Узбекистана

1/2014

TAHLILIY JURNAL



EVU



**O'ZBEKISTONDA TURIZM:**

salohiyat va rivojlanish istiqbollari

**ТУРИЗМ В УЗБЕКИСТАНЕ:**

потенциал и перспективы развития

# TURIZM SOHASIGA YETUK KADRLAR TAYYORLASH

**Зокир ТАДЖИХОДЖАЕВ,**  
БухДУ ректори, профессор;  
**Аббор ЖЎРАЕВ,**  
иқтисод фанлари номзоди;  
**Ҳалим ҲАМРОЕВ,**  
иқтисод фанлари номзоди

**Ж**аҳонга ўзининг қадимий ёдгорликлари билан танилган Бухоронинг туристик салоҳияти ниҳоятда юқори. Бу заминда туризмни янада ривожлантириш, унинг инфратузилмасини такомиллаштириш учун барча имкониятлар етарли. Айтилганда вилоятда сайёҳларни юқори савияда кутиб оладиган 70 га яқин меҳмонхона фаолият кўрсатмоқда, аэропортнинг янги терминали фойдаланишга топширилди, туристик марказларга элтувчи йўллар реконструкция қилиниб, маданий ва тарихий объектларда таъмирлаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бир сўз билан айтганда, шаҳарнинг ифтихори саналувчи аксарият тарихий обидаларнинг тўлиқ бир ансамбль тарзида эканлиги хорижий ва маҳаллий туристларни доимо ўзига жалб этиб келмоқда.

Бухоро вилоятида туризмни ривожлантиришнинг ишга солиниши лозим бўлган катта имкониятлари мавжуд бўлиб, туризмнинг бизнес, конференция, маданий-билиш, экологик, чўл, экстремал, тиббий, фольклор-этнографик туризми сингари кўплаб турларини таклиф қилиш шарт-шароитлари ҳам мавжуд. Худуддаги рекреацион ресурслар туристларни йил мобайнида қабул қилиш имконини берса-да, халқаро туризм мавсуми нисбатан қисқа муддат давом этади. Мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш учун эса, туризм секторига кўплаб малакали кадрлар

тайёрлаш, соҳани етук ходимлар билан мунтазам таъминлаб бориш талаб қилинади.

Сўнгги йилларда Бухоро вилоятида халқаро ва маҳаллий туризм оқимининг барқарор равишда ошиб бораётганлиги кузатилмоқда. 2013 йил охирига келиб, хорижлик сайёҳлар сони 100 минг нафарни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичларга санаторий-курорт ташкилотлари ҳамда дам олишни ташкил этувчи бошқа корхоналардаги, шунингдек, туризм сектори томонидан билвосита яратилган иш ўринлари ҳам киритилса, туризмнинг вилоятда иш билан бандлик кўрсаткичларига қўшаётган салмоқли ҳиссаси намоён бўлади. Бухоро давлат университети олдида турган асосий вазифалардан бири ҳам мана шу иш ўринлари учун малакали кадрларни ўз вақтида етказиб беришдан иборатдир.

Бухоро вилоятида туризм соҳаси учун кадрлар Бухоро давлат университети ва Бухоро туризм коллежида тайёрланади. Бухоро давлат университетида туризмга ихтисослашган «Сервис (туризм ва меҳмонхона хўжалиги)» бакалавриат таълим йўналиши мавжуд бўлиб, мазкур таълим йўналишини 2012 йилда илк бакалаврлар битириб чиқишди. 2010–2011 ўқув йилидан «Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш», 2013–2014 ўқув йилидан бошлаб эса «Туризм» ва «Хизматлар соҳаси» бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда «Туроператорлик фаолиятини ташкил этиш» магистратура мутахассисликларига

талабалар қабули амалга оширилди. Айтилганда келиб эса, 45 нафар талаба ушбу йўналишларни битириб чиқдилар, шунингдек, 149 нафар талаба таълим олмоқда. 2017 йилга бориб, БухДУ томонидан соҳага етказиб бериладиган кадрлар сони 200 нафардан оширилади. Ушбу кўрсаткичларга Бухоро туризм коллежини ҳар йили битириб чиқаётган 150 дан ортиқ мутахассисни ҳам қўшганда, соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш борасида ижобий натижаларга эришилаётгани кузатилади.

*«Туризм иқтисодиёт тармоқлари фаолиятини жадаллаштириш, хорижий валютани кенг жалб қилиш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, қўшимча иш ўринлари яратишда ҳам муҳим аҳамиятга эга»\*\**

Бухоро давлат университетида туризм соҳаси таълими «Иқтисодий таълим ва туризм» кафедрасида амалга оширилади. Айтилганда туризм йўналишида дарс берувчи ўн нафар профессор-ўқитувчи, шу жумладан, бир нафар фан доктори, беш нафар фан номзоди талаба ёшларга



**Криста ПИККАТ,**  
ЮНЕСКОнинг  
Ўзбекистондаги  
ваколатхонаси раҳбари:

*«Юртингиз кўҳна маданият ва цивилизация чорраҳасида жойлашган. Қадимий шаҳарларингиз ва қадриятларингиз кўҳна тарихингиз ҳақида сўзлаб турибди. Ўзбек халқи самимий ва меҳмондўстдир. Мамлакатингиз ана шу бой маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини келажак авлодга бекаму-кўст етказиб беришга алоҳида эътибор қаратаётгани, бу йўлда муҳим чора-тадбирларни амалга ошираётгани муҳимдир»\*\**

соҳанинг нозик жиҳатларини дунё тажрибаларини қўллаган ҳолда мукамал тарзда ўргатмоқдалар. Ўқитувчилардан саккиз нафари Европа ва Осиёнинг етакчи университет-

ларида малака ошириш ва илмий тадқиқотлар олиб бориш муддатларини ўтаб қайтишди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди белгиланган вазифаларга мос равишда талабаларга тўртта фан инглиз тилида ўтирилди, соҳага оид хорижий адабиётлар базаси яратилди. Кафедра ҳузурида энг сўнгги русумдаги техник жиҳозлар билан таъминланган ўқув-методик марказ ташкил этилган. Дарс жараёнларида талабалар электрон доска, видеопроекторлар, овоз бериш тизимларидан самарали фойдаланишиб, университет қошида очилган марказлар ва курсларда инглиз, француз, немис, корейс, испан, итальян, япон тилларини ўрганиш имкониятига ҳам эгалар.

Талабаларнинг амалиёт ишларини ташкил этишда «Ўзбектуризм» МКнинг ҳудудий бошқармаси билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Бошқарма томонидан талабалар вилоятда фаолият кўрсатаётган меҳмонхоналар ва бошқа туристик корхоналарга амалиёт ўташлари учун юборилмоқда.

Замонавий туризм индустрияси ривожланишида интернет тизимининг ўрни беқиёс. Талабалар ва






профессор-ўқитувчилар вилоят туризм корхоналарида интернет технологияларидан фойдаланиш борасида маслаҳат-консалтинг хизматлари кўрсатиб келишмоқда. Вилоятнинг туризм салоҳиятини янада кенгроқ намоёниш қилиш мақсадида талабалар томонидан ижтимоий тармоқларда «Other Bukhara», «Bukhara – Open your fairyland» каби номлар остида сайтлар юритилмоқда. Айни пайтда бир гуруҳ талаба ва профессор-ўқитувчилар «Ўзбектуризм» МК ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида Бухоро туризм индустриясининг ўзига хос томонларини намоёниш қилиш, соҳа кадрлари малакасини ошириш, илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда брендлаштириш ва маълумот бериш, бизнес фояларини амалга оширишда ёрдам бериш каби хизматларни ўзида мужассам этувчи янги веб-сайт яратиш борасида ишлар олиб боришмоқда. «Бухоро вилоятида 2013–2016 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш комплекс чора-тадбирлар дастури» доирасида Бухоро туризм коллежи билан Туркия ва Австриянинг етакчи туризм коллежлари ўртасида

ҳамкорлик ўрнатилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Жумладан, университетда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қароридан келиб чиқиб, унда қайд этилган вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, анъанавий ҳунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар, фольклор ижрочилиги, қадимий кўлэмалар борасида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. «Асрлар садоси» ҳамда «Ипак ва зирворлар фестивали»да ҳунармандчилик намуналари билан иштирок этиб келинмоқда. Иқтидорли талабалардан иборат гуруҳ томонидан Бухоро вилоятида мавжуд бўлган моддий ва номоддий мерос намуналари тўғрисидаги маълумотлар нашрга тайёрланмоқда.

«Иқтисодий таълим ва туризм» кафедрасида халқаро алоқалар намуналари тарзда ташкил этилган бўлиб, Сантьяго де Компостела универси-

тети, Испаниянинг Валенсия политехника университети, Бельгиянинг Брюссель эркин университети, Финляндиянинг Рованиеми университети, Грециянинг Салоники технологик таълим университети каби кўплаб етакчи олий таълим муассасалари билан илмий тадқиқотлар олиб бориш борасида ҳамкорлик муносабатлари йўлга қўйилган. Европа Комиссиясининг ТЕМПУС ҳамда ЭРАСМУС МУНДУС дастурлари доирасида юқоридаги университетларда 2010–2013 йиллар мобайнида 15 га яқин талаба ўқиб қайтишди, ўндан ортиқ тадқиқотчи, саккиз нафар профессор-ўқитувчи илмий изланишлар олиб борди. Иқтидорли талабалардан олти нафари БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилган танловларда мунтазам равишда иштирок этиб, ғолиблар сафидан ўрин олиб келишмоқда. Икки нафар талаба туризм йўналишидаги илмий изланишлари натижаси сифатида Навоий номидаги давлат стипендиялари совриндори бўлишди, бир нафар профессор-ўқитувчи «Ўзбекистон белгиси» давлат нишонига сазовор бўлди.




профессор-ўқитувчилар вилоят туризм корхоналарида интернет технологияларидан фойдаланиш борасида маслаҳат-консалтинг хизматлари кўрсатиб келишмоқда. Вилоятнинг туризм салоҳиятини янада кенгроқ намоёниш қилиш мақсадида талабалар томонидан ижтимоий тармоқларда «Other Bukhara», «Bukhara – Open your fairyland» каби номлар остида сайтлар юритилмоқда. Айти пайтда бир гуруҳ талаба ва профессор-ўқитувчилар «Ўзбектуризм» МК ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида Бухоро туризм индустриясининг ўзига хос томонларини намоёниш қилиш, соҳа кадрлари малакасини ошириш, илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда брендлаштириш ва маълумот бериш, бизнес фояларини амалга оширишда ёрдам бериш каби хизматларни ўзида мужассам этувчи янги веб-сайт яратиш борасида ишлар олиб боришмоқда. «Бухоро вилоятида 2013–2016 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш комплекс чора-тадбирлар дастури» доирасида Бухоро туризм коллежи билан Туркия ва Австриянинг етакчи туризм коллежлари ўртасида

ҳамкорлик ўрнатилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Жумладан, университетда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қароридан келиб чиқиб, унда қайд этилган вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, анъанавий ҳунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар, фольклор ижрочилиги, қадимий кўлэмалар борасида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. «Асрлар садоси» ҳамда «Ипак ва зирворлар фестивали»да ҳунармандчилик намуналари билан иштирок этиб келинмоқда. Иқтидорли талабалардан иборат гуруҳ томонидан Бухоро вилоятида мавжуд бўлган моддий ва номоддий мерос намуналари тўғрисидаги маълумотлар нашрга тайёрланмоқда.

«Иқтисодий таълим ва туризм» кафедрасида халқаро алоқалар намуналари тарзда ташкил этилган бўлиб, Сантьяго де Компостела универси-

тети, Испаниянинг Валенсия политехника университети, Бельгиянинг Брюссель эркин университети, Финляндиянинг Рованиеми университети, Грециянинг Салоники технологик таълим университети каби кўплаб етакчи олий таълим муассасалари билан илмий тадқиқотлар олиб бориш борасида ҳамкорлик муносабатлари йўлга қўйилган. Европа Комиссиясининг ТЕМПУС ҳамда ЭРАСМУС МУНДУС дастурлари доирасида юқоридаги университетларда 2010–2013 йиллар мобайнида 15 га яқин талаба ўқиб қайтишди, ўндан ортиқ тадқиқотчи, саккиз нафар профессор-ўқитувчи илмий изланишлар олиб борди. Иқтидорли талабалардан олти нафари БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилган танловларда мунтазам равишда иштирок этиб, ғолиблар сафидан ўрин олиб келишмоқда. Икки нафар талаба туризм йўналишидаги илмий изланишлари натижаси сифатида Навоий номидаги давлат стипендиялари совриндори бўлишди, бир нафар профессор-ўқитувчи «Ўзбекистон белгиси» давлат нишонига сазовор бўлди.



Мамлакатимизда туризм ва сервис соҳасининг тобора тараққий топиб бораётганлиги «Иқтисодий таълим ва туризм» кафедраси олдига бир қатор долзарб вазифаларни қўймоқда. Бунда илм-фаннинг ишлаб чиқариш соҳаси билан ўзаро манфаатли ва инновацияларга таянадиган самарали алоқаларини йўлга қўйишнинг устувор йўналишлари сифатида куйидагилар белгилаб олинган:

- худуддаги туризм соҳаси вакиллари, олий таълим муассасалари, лицей ва коллеж профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари, илмий тадқиқотчилар, мутахассислар ўз ишланмалари, илмий мақолалари ва таклифлари билан иштирок эта оладиган интерактив лойиҳаларни амалга ошириш;

- туризм ва сервис соҳаси эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда малакали, юқори билим ва кўникмаларга

эга мутахассислар тайёрлаш сифатини янада яхшилаш;

- моддий ва номоддий меросни асраб-авайлаш, туризм потенциалидан оқилона фойдаланиш, туризм ривожининг иқтисодиётга, жамиятнинг ижтимоий ва маданий ҳаётига ҳамда атроф-муҳитга таъсирини баҳолашга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш;

- туризм таълими соҳасида халқаро ҳамкорликни кучайтириш;

- маҳаллий ваколатли органларга туризм соҳасида қарорлар қабул қилишда экспертлик ёрдамини кўр-

сатиш, маҳаллий туризм корхоналари учун илмий тадқиқот базаси сифатида консалтинг хизматлари ҳамда мавжуд кадрлар малакасини ошириш имкониятларини таклиф қилиш.

Бир сўз билан айтганда, жаҳон сайёҳлик соҳасидаги жадал ривожланиш жараёнлари Бухоро вилоятида ҳам кузатилмоқда. Шу боис, университет ўқитувчи ва мураббийлари олдига мазкур соҳага етук, билимдон ва малакали кадрлар етказиб бериш каби юксак вазифа турибди. Университет жамоаси ана шу эзгу мақсадни чуқур ҳис этиб меҳнат қилмоқда.

### ANNOTATION

The article deals with the issue of tourism sphere development in the world by impetuous rate, provision of the sphere with qualified specialists being a burning problem. Works on further development of tourism infrastructure conducted at Bukhara State University are touched upon.

# SAYYOHLIK SOHASIDA ALTERNATIV YO'NALISHLARNI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

**Суҳроб ДАВЛАТОВ,**

*БухДУнинг катта илмий  
ходим-изланувчиси;*

**Қудрат ДИЛМОҒОВ,**

*«Иқтисодий таълим ва туризм»  
кафедраси ўқитувчиси*

**М**устақилликнинг ўтган йигирма икки йиллик зарварақларига назар ташлаб, мамлакатимизнинг ҳар бир куни янгиликларга бой, ривожланиш ва тараққиёт сари шаҳдам қадамлар билан дадил одимлаётганига гувоҳ бўламиз. Тарихан қисқа ва мазмунан бекиёс ушбу йилларда ҳаётимизда

рўй берган оламшумул ўзгаришларни кўз олдимизга келтирганимизда, айтарли барча жабҳаларда жадал илгарилаётганимиз маълум бўлади. Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг бевосита раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида қўлга киритилаётган муваффақиятлар сабаб бугун дунё жамоатчилиги Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини

эътироф этиб, ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, халқаро бизнес вакилларининг эътиборини ўзига кўпроқ жалб этаётган йўналишлардан бири, шубҳасиз, сайёҳлик соҳаси бўлмоқда. Зеро, ҳукуратимиз томонидан туризм соҳасига алоҳида эътибор қаратилаётгани сабабли у жаҳон андозаларига мос тарзда ривож-



ланмоқда.

Сайёҳлик соҳасининг муаммо ва истиқболлари ҳақида фикр юритишдан олдин, аввало, мазкур соҳанинг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, 2000 йиллардан бошлаб туризм бутун дунёда иқтисодиётнинг энг катта даромад келтирувчи, асосийси, барқарор ривожланиб бораётган тармоқларидан бири сифатида эътироф этила бошланди. Таъдилчиларнинг таъкидлашича, айти пайтда сайёҳликнинг ЯИМга нисбатан жаҳон иқтисодиётидаги ҳиссаси 9 фоиз бўлиб, бир йиллик айланма ҳажми 1,3 триллион АҚШ долларини ташкил этмоқда, дунё бўйича банд бўлганларнинг 9,2 фоизи (260 млн киши) шу соҳада меҳнат қилмоқда.

Ўз навбатида, UNWTO ҳисоботларида қайд этилишича, дунё бўйича сайёҳлар сони ҳар йили 4–5 фоизга ортмоқда. Хусусан, бу рақам 2010 йилда 935 млн кишини ташкил этган бўлса, 2013 йилда 1,1 миллиарддан ошиб кетди.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси маълумотларига кўра, 90-йилларда республикамизга йилига ўртача 150 минг сайёҳ келган бўлса, айти пайтда бу кўрсаткич икки миллион нафарга яқинлашди. Бу жиҳат мамлакатимизда туризм соҳаси жадал ривожланаётганини кўрсатади. Сайёҳликнинг республика ЯИМдаги ҳиссаси ҳам қарийб икки фоизгача ўсди. 2011 йилда Давлат статистика қўмитаси томонидан амалиётга жорий этилган «Туризм ёрдамчи ҳисоби» (ТҒХ) услубияти асосида шакллантирилган маълумотларга кўра, 2013 йилнинг январь-март ойларида сайёҳлик экспорт ҳажми 155,5 млн АҚШ долларини ташкил этди.

Туризм соҳаси мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллаши билан бир қаторда аҳоли бандлиги билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этишда ҳам самарали ёрдам беради. Масалан, халқаро меҳнат бозорида туризм соҳасида иш билан банд бўлганлар 9 фоиздан ошган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич тахминан 3 фоизни ташкил этади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти жуда юқори, қадимий меъморий ёдгорликларимиз, осориатикалар,



**Казухиса ИМАЖО,**  
Япониянинг «NHK»  
телерадиокомпанияси  
радиоэшиттиришлар  
бўйича директори:

*«Сўнгги йилларда Ўзбекистон мавзуси, унинг бетакрор табиати ва меҳмондўст халқи хусусидаги хабар-мақолалар Япония оммавий ахборот воситаларида тобора кенг ёритилмоқдаки, бу мамлакатингизга бўлган қизиқишнинг янада кучайишига хизмат қилмоқда»\*\**

маданиятимиз дурдоналари, бетакрор табиатимиз бутун дунёдан минглаб сайёҳларни жалб қилмоқда. Уларни муносиб кутиб олиш ва кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун юртимизда кўплаб замонавий меҳмонхоналар қад ростлади, сайёҳлик инфратузилмаси ва сервис хизмати жадал ривожланмоқда. Нафақат пойтахт, балки туманларда ҳам янги сайёҳлик маршрутлари ишлаб чиқилаётгани, дам олиш масканлари тобора кўпаяётгани соҳа ривожига ижобий таъсир этмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон ЮНЕСКОга киритилган объектлари сони бўйича Марказий Осиёда биринчи ўринда туради. Ўзбекистонга ташриф буюрувчи сайёҳларнинг 85 фоизини 50–60 ёшдан ошган сайёҳлар ташкил этади. Бундай ёшдаги одамлар қадимий ёдгорликларни кўришга иштиёқманд бўлишади. Бунинг устига улар Ўзбекистонга об-ҳаво қулай бўлган апрель, май, сентябрь ва октябрь ойларида келишни маъқул кўришмоқда.

Мана шундай имкониятларга қарамай, мамлакатимизда туризм

соҳасини янада тараққий эттириш борасида ҳали ишга солинмаган захираларимиз жуда кўп. Масалан, Ўзбекистонда сайёҳлик оқимининг таркибига ёшларни ҳам жалб этиш учун муқобил сайёҳлик турларини ишга солиш имконияти анча юқори. Зеро, дунё сайёҳлик соҳасида таълим туризми ҳам муҳим ўрин эгалламоқда. Таълим туризмида киши ҳам билим олиш имконига эга бўлади, ҳам ҳордиқ чиқаради. Одатда, бу турдаги туризм ёшларга мўлжалланган бўлиб, халқаро ва давлат миқёсида уни янада ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантиришга кўп сармоя талаб қилинмайди, асосийси таълим муассасаларининг сифатига эътибор қаратилади.

Таълим туризми орқали мактаб ўқувчилари, коллеж ва университет талабалари, ходимлар ўз билим ва малакаларини ошириш имконига эга бўладилар. Бу жараёнда маданий-маърифий турлар, экотурлар, санъат ва хунармандчилик турлари, спорт, соғломлаштириш турлари, саргузашт турлари, шунингдек, конференция,

*«Жаҳон цивилизацияси ривожига беқиёс ҳисса қўшган, «Шарқ дарвозаси» деб ном олган, халқимизнинг ғурури бўлмиш Тошкент шаҳри «Economist Intelligence Unit» таҳлилий компанияси ва «BizzData» тадқиқот фирмаси томонидан тузилган рейтингда «Дунёдаги энг гўзал шаҳар», дея эътироф этилди»\*\**



## Turizm infratuzilmasi

семинар – тренинглар, фестиваллар, музей ва театрлар бўйлаб экскурсиялар ташкил этилиши мумкин.

2011 йил 28 февралда Вазирлар Маҳкамасининг ёш сайёҳларни қизиқтириш ва Ўзбекистонга жалб қилиш ишларини фаоллаштиришга қаратилган «Мега-инфо-тур»ларни ўтказиш ҳақидаги буйруғи чиқарилди.

«Мега-инфо-тур» хориж сайёҳлик ташкилотларининг вакиллари билан таништирув саёҳатини ўтказди. Хорижликлар томонидан лойиҳага Италия, Испания, Франция, Япония, Хитой ва бошқа мамлакатлардан 214 та янги сайёҳлик компаниялари жалб қилинди. «Мега-инфо-тур» ташкилотчиларининг ғояси «Ўзбекистоннинг жозибасини йилнинг ҳар қандай мавсумида кўрсатиш», шунингдек, «отда сайр қилиш», «туяда сайр қилиш» каби сайёҳлик турларини намойиш этишдан иборат. Уйлаймизки, айнан мана шундай ўзига хос ва жозибадор дам олиш чет эллик ёшларни Ўзбе-

кстон тоғлари ва чўлларига жалб қила олади.

Таълим туризми ривожланганлик кўрсаткичлари бўйича бугун АҚШ биринчи ўринда турса, ундан кейин Буюк Британия ва Австралия мамлакатлари бормоқда. Чет эллик талабаларнинг 41 фоизи Европа қитъасида, 21 фоизи Шимолий Америка қитъасида таълим олмоқда.

ИРХТ маълумотларига кўра, 2012 йилда деярли ҳар икки чет эллик талабадан бири АҚШ, Буюк Британия, Австралия, Франция ва Германия мамлакатларида таҳсил олгани қайд этилади.

Дарҳақиқат, нима сабабдан таълим туризми кўплаб мамлакатларда юқори қизиқиш уйғотади? Бунинг сабаби сифатида ривожланган мамлакатларда таълим туризмида хизматлар экспортидан, яъни, чет эллик талаба томонидан ўқиш муддати давомида таълим учун тўлов ва бошқа харажатлари эвазига миллиардлаб даромад келтиришини таъкидлаш

мумкин. Таълим туризмида хизматлар экспорти сайёҳлик соҳасидан янги иш ўринларини яратади ва давлат даромадларини оширади. ИРХТ маълумотлари бўйича 2012 йилда АҚШда чет эллик талабаларга таълим беришга боғлиқ даромадлар деярли 20 млрд АҚШ долларини ташкил этди. Буюк Британияда давлат бюджетида бундай кўрсаткич автосаноат, ҳатто, молиявий хизматлар улушидан ҳам кўпроқдир. Австралияда эса, чет эллик талабалар (уларнинг сони 200 мингдан ортади)га кўрсатиладиган таълим туризми хизматларидан келадиган даромад олтин қазиб чиқаришдан бир оз ортада бўлиб, тўртинчи ўринда туради.

Таълим туризми соҳасидаги хизматлар экспортидан тушадиган даромадлар миқдори бошқа ривожланган мамлакатларда ҳам салмоқли кўринишга эга.

Таълим туризмининг ривожлантиришининг яна кўплаб афзаллик томонлари мавжуд, булар қуйидагилар:





- маданиятлар алмашинувини йўлга қўйиш;
- таълимни байналминлаштириш;
- билим ва малакани ошириш;
- малакали кадрлар тайёрлаш;
- сайёҳликнинг бошқа турларига талабни кучайтириш;
- валюта тушумини ошириш.

Ўзбекистонда таълим туризми мамлакатлари ривожланишига тўсиқ бўлаётган омиллар қуйидагилар: хуқуқий негизнинг мукамал эмаслиги, чет эллик талабаларга тиббий суғурта мамлакатининг ривожланмаганлиги, уларнинг ўзбек ёки рус тилларини етарли даражада билмаслиги, хорижий тилда ўтиладиган дарсларнинг сони камлиги ва реклама – ахборот дастурлари мукамал даражада ташкил этилмаганлигидир.

Шунга қарамай, сўнгги йилларда таълим туризмининг ривожлантириш бўйича дадил қадамлар қўйилди. Дарҳақиқат, дастлаб халқаро муносабатларни ривожлантириш – кадрлар тайёрлаш миллий дастури

мақсадларига эришиш механизми сифатида белгиланди. Ўзбекистонда таълим туризмининг ривожлантириш мақсадида турли халқаро муносабатлар ўрнатилмоқда, жумладан, хорижий олий ўқув юртлари филиаллари очилмоқда, Ўзбекистон ва хорижий академик алмашинув ва тадқиқот олиб бориш дастурлари амал қилмоқда, чет эллик талабаларга республикамиз ОўЮларида таълим берилмоқда, хорижий профессор-ўқитувчилар мамлакатимиз ОўЮларига таклиф этилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда хорижий ОўЮларининг 6 та филиали: Халқаро Вестминстер университети, Ломоносов номидаги Москва Давлат университети, Плеханов номидаги Россия иқтисодий академияси, Губ-

кин номли Россия давлат нефть ва газ университети, Сингапур Менежментни ривожлантириш институти ва Турин политехника университетининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда.

Демак, туризм индустриясининг ривожлантириш учун университетлар билан ҳамкорликдаги лойиҳалар амалга оширилса, Ўзбекистонда таълим туризмининг ривожланишига, мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан ўсишига ижобий таъсир этади. Бу эса, хорижий мамлакатлар билан ижтимоий, иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади ва энг асосийси, фуқароларнинг дунёвий билим даражаси ошиб, бошқа халқлар билан яқин муносабатлар ўрнатилиши учун муҳим омил вази-фасини ўтайди.

#### ANNOTATION

The authors in their article pay special attention to the present tendencies of specialists' training as a factor of tourism sphere development, actual issues of education tourism development that implies experience sharing between students and teachers.